



Ўзбекистонда республика қонунчилиги билан кафолатланган сўз эркинлиги террористик актга тенглаштирилди. Бу ҳақда Тошкент метросида янги илинаётган плакатлар гувоҳлик беради. Аввалги мавҳум хушёрликка чақирувчи плакатлардан фарқли ўлароқ янги матнда йўловчилар очиқчасига чақимчилик қилишга таклиф қилинмоқда.

Метро вагонлари эшиги устларида илиб қўйилган камтарона плакатларда “Хурматли йўловчилар! Жамоат транспорти салонида, оралик ва охириги



йўли кассалари олдида ва вагонларда жойлаштирилган. Метрополитеннинг Чилонзор йўлида эса ҳозирча ушбу эълонлар оддий оқ қоғозга чоп этилган кўринишда учрайди ҳалос.

Эслагиб ўтамиз 2011 йил бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг буйруғи билан Тошкент метрополитенидан барча рекламалар олиб ташланиб, улар ўрнида эса огоҳликка чақирувчи агитацион плакатлар пайдо бўлган эди. Шу билан бир вақтда бекатлардаги реклама роликлари ва мусикий клиплар номийиш

ТОШКЕНТ МЕТРОСИДА ХУШЁРЛИК ВА ЧАҚИМЧИЛИККА ЧАҚИРУВЧИ ЯНГИ ПЛАКАТЛАР ИЛИНМОҚДА

бекатларда, аҳоли гавжум бўлган ва кўп тўпланадиган жойларда одамлар томонидан давлатимиз сиёсатига қарши сўзлар, террористик ва кўпорувчилик ҳаракатларини содир этиш ниятида юрган шахслар тўғрисидаги гаплар ва бошқа ғаразли ташвиқотлар юритилганда, қолдириб кетилган шубҳали буюмлар аниқланганда ва шунга гумон қилинганда бу ҳақда

зудлик билан қуйидаги ишонч телефонларига хабар беришингизни сўраймиз”, — деб ёзиб қўйилган. Матн остида Тошкент шаҳар ИИБ, Тошкент шаҳар ЙХХБ ва “Тошшаҳартрансхизмат” АК ларнинг телефон рақамлари кўрсатилган.

Ушбу эълонлар ҳозирча фақатгина ўзбек тилида ва асосан метрополитеннинг Ўзбекистон

қилинадиган плазма панеллари ҳам олиб ташланган ёки ўчириб қўйилган эди. Натижада Тошкент метрополитени катта даромад манбаидан ажраганди.

2013 йил Тошкент метрополитенида хавфсизликни таъминловчи батальон бошлиғи Руслан Ирناзаров ушбу ўзгаришларга изоҳ бериб, журналистларга реклама йўловчиларни чалғитишини айтган эди. “Йўловчилар рекламаларга чалғиб қолиб, кимдир ёнида сумкасини қолдириб кетишини ёки бошқа йўловчилардан кимдир ўзини жуда ғалати тутаётганини сезмай қолиши мумкин. Шунинг учун, уларнинг хавфсизлиги кўп ҳолларда ўзларининг қўлларида эканлигини йўловчиларга эслатиш, ҳамда фуқароларни огоҳлик ва эҳтиёткорликка чақириш мақсадида метродан барча рекламалар олиб ташланди”, — деди у. 2014 йилда реклама чекланган микдорда метрога қайтарилди, аммо огоҳликка чақирувчи плакатлар ҳозирча ўз ўрнида қолмоқда.

УХХ хабарлар бўлими





Ўзбекистонда исталмаган Абдулазиз Каримга 10 ойда Туркия ватандошлиги берилди

Таниқли хонанда ва бастакор Абдулазиз Карим Ўзбекистондан чиқиб кетганидан бор-йўғи 10 ой ўтиб, Туркия ватандошлигига лойиқ, деб топилди. Санъаткорнинг Озодликка айтишича, бу ҳақдаги мактуб 29 март куни шахсан Туркия бош вазири Аҳмад Довудўғлидан келган.

Мактубда Абдулазиз Каримга «истисно тариқасида» Туркия ватандошлиги (бу мамлакатда «фуқаро» сўзи ўрнига «ватандош» сўзи қўлланилади) берилгани маълум қилинган.

«Кеча бош вазиримиз Довудўғлининг табригини олдим. Электрон почтамизга табрик йўллаптилар, жуда хурсанд бўлдим. Бош вазирнинг ёрдамчилари телефон орқали табрикладилар. Туркия ҳукуматининг шунчалик эътиборидан жуда хурсанд бўлдим. Бош вазир хатда ёзишларича, Туркия жумҳуриятига ўзингизнинг санъатингиз билан ҳисса қўшасиз, деган умиддамиз, сиздан янги-янги

асарлар кутиб қоламиз, деган тилак йўллаптилар. Жуда хурсанд бўлдим уни ўқиб,» дейди Абдулазиз Карим.

Туркия қонунчилигига кўра, Туркия фуқаролигини олмоқчи бўлган шахс бу мамлакатда камида 5 йил истиқомат қилиши лозим.

Аммо, ўзбекистонлик санъаткор Туркия ватандошлиги унга ўн ой ичида берилганидан ҳайратланганини айтди.

«Бу хурсандчилик бир хабари бўлди. Ун ой олдин Туркия ҳукумати ҳужжатларингизни берсангиз, деб мандан илтимос қилди. Сиз билан қизиқамиз, ижодингиз билан қизиқамиз, деди. Энди мен Ўзбекистонда асосан ашулачи сифатида танилганман, лекин композитор сифатида танилмаганман, десам ҳам бўлади. Аслида, композиторлик жанрида симфоник асарлар ёзганман. Ҳатто операм бор бир қисмлик. Хор асарларим бор. Уларни бу ерда тақдим қилганман. Улар жуда қизиқиб қолишганди,» дейди Абдулазиз Карим.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим кўшиқлари Ўзбекистонда тақиқлаб қўйилиши ортидан 2015 йил май ойида Туркияга чиқиб кетганди.

Озодлик билан илгари қилган суҳбатида Абдулазиз Карим Ўзбекистонда Давлат телевидениеси, «Ўзбекнаво», Маданият вазирлигидаги баъзи мулозимлар кўшиқчилар олдиға тўсиқлар қўйиш билан шуғулланишини айтган эди.

Абдулазиз Карим 90-йилларда «Қурбоң бўламан» кўшиғи билан Ўзбекистонда энг таниқли хонандалардан бирига айланди.

Кейинчалик Абдулазиз Каримнинг Яссавий ғазалларига басталаган куйлари халқ орасида шуҳрат топди.

У барча кўшиқларини ўзи басталаган санокли ҳофизлардан ҳисобланади.

Утган йил охирида бастакор-ижрочи таниқли ўзбек шоири ва мухолифат арбоби Муҳаммад Солиҳнинг «Ғариб дарахт» шеърини кўшиқ қилди.

Абдулазиз Карим Озодлик билан суҳбатда Ўзбекистонни тарк этган эса-да, уни ҳамон ўз Ватани деб ҳисоблашини айтди.

Озодлик билан суҳбатда Абдулазиз Карим Ўзбекистонда Давлат телевидениеси, «Ўзбекнаво», Маданият вазирлигидаги баъзи мулозимлар кўшиқчилар олдиға тўсиқлар қўйиш билан шуғулланишини айтиб, уларни порахўрликда айблаган эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист 41 ёшли Абдулазиз Карим барча кўшиқларини ўзи басталаган санокли ҳофизлардан ҳисобланади.

Туркияга келганидан сўнг Абдулазиз Карим Туркия сиёсий элитасига яқин шоир ва мухолифатчи Муҳаммад Солиҳнинг «Ғариб дарахт» шеърини кўшиқ қилди.

Манба: «Озодлик» радиоси

Шавкат Мирзиёев «бисексуал»ми?

26 март куни Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Фарғона вилоят кенгаши сессиясида вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимига тақдим этилиб, номзоди сессия иштирокчилари тарафидан маъқулланган Баҳодир Пўлатов ҳақида бир МХХ зобити қизиқ иддаони ўртага отди.

Унинг айтишича, Бош Вазир ва Баҳодир Пўлатовнинг

«яқинлиги» анча йиллардан бери актив давом этмоқда.

Хусусан, Баҳодир Пўлатовнинг бу яқинликдаги «актив»лиги нафақат Тошкент балки бутун Ўзбекистонда «парда орқасида» эътироф этилиб, Пўлатовнинг секин-аста лавозимлар зинапоясига тирмашаётганига ҳеч ким ажабланмай қўйганди. Ғарбда «бисексуал» вазирлар ўзларининг ҳамжинсларига бўлган мухаббатларини яшириш

уёқда турсин, хатто бундан ғурурланиб, дунёга ошкор этаётганидан илҳомланган Каримовнинг ўнг қўли «мен нега яширишим керак?» дея ўзига мантиқли савол бериб, ўзининг ёш, актив «укахони»ни дадил «кўтара» бошлагани кўриниб турибди.

Бу воқеа мустабид режимнинг маънавий чириб битганининг энг ёрқин рамзидир.

ЎХХ хабарлар бўлими

Асад сургун қилинади!

Хавфсизлик кенгашининг бир дипломати берган маълумотга кўра Керри бир неча Араб мамлакатларига Россия билан баъзи масалаларда келишувга келинганини айтган. Бу хабарда Суриянинг келажагида Асадга ўрин йўқлиги кафолати бериларкан “қўли қонга беланган” лидернинг номи очикланмаган учунчи бир мамлакатга чиқариб юборилиши таъкидланган.

Санага аниқлик киритилмаган

Марказий офиси Лондонда жойлашган Ал-хаёт журнали томондан олинган маълумотларга кўра АҚШ ташқи ишлар вазири Жон Керри Асаднинг вазифасидан четлатилиши борасида аниқ бир санани айтмаган. Керрининг ўз мамлакати Россия билан амалга оширган бу келишувнинг “аниқ ва равшан” маълумот эканлигини таъкидлар экан: “Асад, охири-оқибат учинчи бир давлатга сургун қилинади”- деган.

Конституцияда ўзгаришлар

АҚШ ва Россиянинг Сурия борасидаги келишувда яна бир масала конституция бўлди. Бунга кўра энг кечи билан Август ойида мавжуд конституцияга ўзгартириш киритилиб, янги қонунлар тасдиқлаш ҳақида келишиб олишган.

Аъзолар “Уруш тугатилсин” деди

Бошқа тарафдан дипломат ўз сўзларида, Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг “тинч аҳоли қирғини”ни тезда тугатилиши ва гуманитар ёрдамларнинг Суриянинг ҳар нуқтасига киритилишини талаб қилаётганини, таъкидлаган.

Келажак ҳукуматда Асадга ўрин йўқ

Ўтган haftаларда Асаднинг Россия телевидениесига берган репортажида ўзининг курсисини топширишини фақатгина эски конституциядан янги бир конституцияга ўтиш билан амалга оширилишини баён қилган эди. Асад бу хабарида давлат раҳбарлигини тарк этмаслик ниятини такрорлаган бўлсада, АҚШ ҳам, БМТ ҳам ва албатта муҳолифлар ҳам ҳеч бир шаклда Асаднинг қолишини иштамаяпти. Россия қанчалик Асадни қўллаб-қувватласа ҳам, айниқса иқтисодий тарафдан қийин кунларни бошдан кечириётган бир вақтда Фарб билан тўқнашишни истамаслиги учун бу масаладаги фикрдан воз кечишга мажбурдир. Сурия муҳолифати Олий қўмитаси раиси Асад Зоубий, “Асаднинг бир соат ҳам қолиши мумкин эмаслигини”, таъкидлаган.

УХХ хабарлар бўлими



Қирғизистон Ўзбекистон ихтиёридаги сув омборларига даъво қилмоқда

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, бу ҳақда Қирғизистон ҳукуматининг чегараларни аниқлаш ва делимитация қилиш бўйича мутассадиси Курбонбой Искандеров маълум қилган. Қирғизистон Ўзбекистондан қайтариб олишини айтаётган айрим сув объектлари икки давлат ўртасидаги баҳсли бўлиб турган ҳудудларда жойлашган.

Қирғизистон ҳукуматининг чегараларни аниқлаш ва делимитация қилиш бўйича мутассадиси Курбонбой Искандеров “Ўртатўқай” (Ўзбекистонда Косонсой, деб аталади) ва Каркидон сув омборлари, Катта Наманган, Чуст, Норин, Сўх-Шохимардон, Лаган, Савай каналларини Ўзбекистон ихтиёридан Қирғизистонга қайтариш бўйича ишлар бошланганини айтди.

Расмийнинг билдиришича, бу каналлардан Шўролар даврида ҳам, мустақилликдан кейин ҳам Ўзбекистон фойдаланиб келган, лекин бу объектлар жойлашган ҳудудлар Қирғизистон ерлари ҳисобланади.

Лекин Курбонбой Искандеров бу сув захираларидан фойдаланиш масаласида икки давлат ўртасида бирорта ҳужжат имзоланмаганини айтди:

— Қирғизистон ва Ўзбекистон

ўртасида “Ўртатўқай” сув омборидан фойдаланиш масаласида шартнома ҳам имзоланмаган. Шу кунгача Ўзбекистон Қирғизистонга ижара ҳақи учун бир тийин тўламади. Союз даврида Ўзбекистон биздан ижарага ер олиб, Иттифоқ бюджети ҳисобидан қурилган объектларни 1992 йилги давлатлараро шартнома асосида Қирғизистонга қайтариши керак эди. Бу шартномани Ўзбекистон президенти имзолаган ва парламент ратификация қилган,— деди Курбонбой Искандеров.

Айни пайтда Ўзбекистон бу объектларнинг ўзига тегишли экани тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд эканини билдирган. Тошкент, айниқса, “Косонсой” ва “Кампиробод” сув омборлари Ўзбекистонга тегишли эканини, бу объектлар тўлиғича Тошкент ихтиёрига ўтказилиши шартлигини талаб қилиб келади. “Косонсой” ва “Кампиробод” сув омборлари Фарғона водийсидаги экин майдонларини сув билан таъминловчи асосий заҳира ҳисобланади.

Қирғизистон мазкур объектларни Ўзбекистондан қайтариб олишга 2001 йилдан бери ҳаракат қилиб келади. Лекин ўтган 15 йил давомида бу ҳаракат натижасиз яқунланган.

УХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистондаги адолатсизликларга қарши ўзимга ўт қўйиб қурбон қилиш орқали ўз норозилигимни намойён қиламан. Бу менинг адолатсиз тузимга нисбатан исёнимдир! Бундан ортиқ чора йўқ. Ҳақ истаб пикет қилиб кўрдим, намойишга чикдим, долзарб мақолалар ёздим, юқори ҳукумат идораларига мурожаатлар, шикоят аризалар йўлладим, ҳақиқат йўлида қилган барча уринишларим тазйик, босим ва таҳқир бўлиб қайтди. Бунингдек тузимдан ўлиб қутилмасанг, тириклай қутилишнинг имкони йўқлигини англаб етдим! Бутун дунё ҳамжамияти бир ҳақиқатни билишини истайман: Президент девони олдида ўзимга ўтқўйишимга шу тузум, ундаги ноҳақликлар мажбур қилмоқда, бу ҳукумат бошқаруви мени жонимдан тўйдириш даражасига етказди!

Ўзбекистон Республикаси
Сенатига
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. А. Каримовга
Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирига
Ўзбекистон Республикаси
Миллий
Хавфсизлик хизмати раисига
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар Вазирига
Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирига
Ўзбекистон Республикаси суд
ижрочилар Департаменти
раисига
Учтепа тумани Суд ижрочилар
Департаменти раисига
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти
Раҳбари Пан Ги Мунга
Европа Иттифоқига
“Чегара билмас мухбирлар”
Ташкилотига
Хуман Райт Вотч инсон
ҳуқуқларини
Ҳимоя қилиш ташкилотига
АҚШ элчихонасига
Франция элчихонасига
Мамлакатимиздаги барча
элчихона
Элчилари диққатига
Эшонкулова Малоҳат
Худжамовнадан
Мустақил журналист ва
ҳуқуқбон
Телефон: +99893 5701747
Уй телефони: 2748152



Баёнот

БАЁНОТ

(Тошкент шаҳар, Учтепа туман суд ижрочилари – қонуний қароқчиларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига қарши ИСЁН ҚИЛАМАН).

Мен, Эшонкулова Малоҳат Худжамовна 1966 йилнинг 25 декабрида Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилганман.

ЎзМТРКда 21 йил журналист сифатида фаолият юритганман.

Ўзбекистон мамлакатидagi, хусусан, МТРКдаги коррупция, иқтисодий жиноятчилик, инсон ҳуқуқларининг оёқости этилишига, сўз эркинлигининг буғилишига қарши курашганлигим, норозилик намойишлари, пикетлар ўтказганлигим сабабли 2010 йилнинг декабр ойида ЎзМТРКдан ноқонуний тарзда ишдан ҳайдалганман.

2010 йилдан буён мустақил журналист ва ҳуқуқ фаоли сифатида фаолият юритиб келдим.

Ўзбекистондаги мавжуд адолатсизликларга, қонунсизликларга қарши турганлигим, норозилик намойишлари, очлик акциялари ўтказганлигим сабабли суд томонидан уч бор ноқонуний тарзда судланиб, 15 миллион сўмга яқин жарима жазоси билан жазоланганман.

2012 йилдаги пайта йиғим-терим мавсумида мактаб ўқувчиларининг мажбурий меҳнатга жалб этилганлигига оид мониторинг ўтказганлигим ва Қашқадарё вилоятдан пахта эгалирида юрган ўқувчилардан видеоинтервью

— репортаж тайёрлаганлигим сабабли Учтепа туман суд ижрочилари уйимдаги мол-мулкларим, уй жиҳозларимни мусодара қилиб кетишганди.

Энг охири маротаба 2013 йилда Қашқадарё вилоят прокуратураси биноси олдида

норозилик намойиши ўтказётган жараёнларни видотасвирга олиш жараёнимда ИИБ ходимлари томонидан куч билан идорага олиб борилганман ва судга тортилиб, 6 миллион сўм миқдорида жаримага тортилганман.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида ноҳақлик шу даражага етганики, адолатталаб журналистлар, ҳақиқат истовчи инсон ҳуқуқлари фаоллари мунтазам равишда қонуннинг қароқчилари томонидан мунтазам равишда мисли кўрилмаган даражада тазйик ва таъқибга олинади. Мустақил журналист ва ҳуқуқ фаоли сифатидаги 6 йиллик фаолиятим давомида ҳақсизликларга, таъқибу босимларга кўп бор гувоҳи бўлдим.

Менга ва оиламга нисбатан қонун қароқчилари томонидан қўлланилган таъқиблар хусусида интернет сайтларида мунтазам равишда ёритиб келинган.

2016 йилнинг 30 март куни Учтепа туман суд ижрочилари ва Чилонзор, 23-мавзе участка нозир, фуқаро кийимидаги 10 нафарга яқин, ўзларини таништирмаган миллий фуқаро кийимидаги фуқаролар куёвимнинг уйига бостириб киришди ва куппа – кундуз куни қароқчилик қилиб, куёвим ва қизимга тегишли уй жиҳозларини менинг 2011- 2013 йиллар давомидаги суд томонидан ноқонуний тарзда қўлланилган жарима эвазига давлат фойдасига мусодара қилиб кетишди.

Маълумки, “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинчалик рўйхатга қўйиш тартиби тўғрисида”ги ҳукумат раҳбарларининг Конституцияга зид равишда чиқарган қонун, қарор ва буйруқлари сабаб мен доимий ва ё вақтинча прописка қила олмасдан пойтахтда, қизим ва куёвим билан яшашга мажбур бўлмоқдаман.

Судижрочилари эса “Бу жиҳозлар менга тегишли, уй, мулк меники” дея қаршилиқ кўрсатишларига қарамасдан, “Қайнонангиз Эшонкулова Малоҳатнинг 13 миллион сўмдан ортиқ суд жарималаридан қарздорлиги бор, биз Эшонкулова қайси уйда яшаётган бўлса, ўша уйдаги жиҳозларни мусодара қилишга мажбурмиз. Уй жиҳозлари сизга тегишли бўлса, бу жиҳозларнинг ўзингизга тегишли эканлигини исботловчи ҳужжатлар билан Учтепа туман фуқаролик судига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мурожаат қилишингиз мумкин” дея 10 нафардан иборат қонунчи-босқинчилар уй жиҳозларини шошилганча уйдан куч ишлатиш йўли билан олиб чиқиб кетишди.

Энг ноқонуний жиҳати, Учтепа туман суд ижрочилари куёвимга тегишли уйдан уй жиҳозларини, моддий қийматга эга мол-мулкларни олиб кетишаётган бўлса-да, номига далолатнома тузиб, далолатнома нусхасини менга ва ё уй эгаларига бермасадан олиб чиқиб кетишди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2012 йилдаги каби бу гал ҳам суд ижрочилари фақатгина уйдаги орг. техникаларга чанг солишди. Асосий мақсад, мустақил журналистлар, ҳуқуқ фаолларини қуролсиз, орг. техникасиз қолдириш, шу тариқа овозини ўчириш.

Суд ижрочилар гуруҳи бошлиғи деб таништирган йигитнинг қўллари ва овози шу қадар титрардики, бу жараёнларни тасвирга олиб турган МХХ ходимининг видео тасвирларида ҳам шундоққина кўриниб турган бўлиши керак.

Энг қизиғи, ҳали далолатнома тузмасданок ўнта орган ходими, қўлларига илинган уй жиҳозларини “Ҳай-ҳайлашимга қарамасдан, биттама-битта олиб, шошилганча, югургилаб, патга, ташқарига чопиб чиқиб кета бошлашди.

Бу ҳолат суд ижрочиларининг қонуний ажро ҳаракатига эмас, босқинчи, ўғри-муттаҳам қароқчиларнинг тунашига кўпроқ ўхшаб кетарди.

Орадан уч йил ўтган бўлишига қарамасдан суд ижрочиларинининг хаёлига нега энди айнан менинг жаримам тушиб қолди? Нега суд ижрочилари гарчи жиҳозлар куёвимга тегишли бўлишига қарамасдан уй жиҳозларини шошилиш тарзда тунаб, олиб қочиб кетишди.

Бунингдек ҳукуматнинг қонун кўриқчилари томонидан куёвимнинг уйда ўтказилган тунаш, талончилик, босқинчилик ҳаракатларининг боиси битта: Хабарингиз бўлса керак, қизим Ҳақимова Зарнигор ҳукумат амалдорларининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент влоиятига доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарорларининг Ўзбекистон Республикаси конституциясига мутлақо зид ва аҳмоқона,



ноқонуний эканлигини далиллар асосида исботлаб берганди ва бу борада интернет саҳифаларида махсус чиқиш ҳам қлиганди.

Биз, мен ва қизларим оилавий бўлиб мазкур қарор ва буйруқларни чиқарган амалдорларни маҳкамага бериш борасида тайёргарлик кўраётганлигимиз ҳақида хабар тарқатгандим.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида болалар илигини ваҳшийларча олиб қўйилаётганлигини шубҳа остига олиб, гўдақлар ногиронлигига оид махсус репортаж ҳам тайёрлагандим.

Яқингинада Жаҳон Банки мутахассиси билан Ўзбекистонда пахта йиғим-терим мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлиги хусусида интернет – телефон орқали махсус мулоқот ҳам олиб боргандим.

Ҳукуматнинг суд ижрочилари томонидан қизимнинг оилавий тотувлиги, мулки, тинчлиги, тахтига чанг солинишининг энг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Қизим ҳақиқатпарварлиги сабабли ҳам униг мол – мулкига чанг солди ва бахтига ҳам раҳна солмоқда деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда кимда ким адолат истаса, ҳақиқат изласа, унинг қисмати шу: жамиятдан, туғишганларидан изоляция қилинади, молиявий босим қўллаш мақсадида уйларида ноқонуний тинтув ўтказилади, мол- мулкларни ғайриқонуний тарзда мусодара этилади. Қизим ва куёвимнинг уйда тинтув ўтказилиши менинг ва қизимнинг фаолияти, ҳақ гапи учун ҳукумат томонидан бизга ва оиламизга қўлланилган молиявий босим, иқтисодий жазо деб баҳолайман.

Адолатсизликка асосланган бу тузим менинг умримни елга совурди. Қараб турсам, энди навбат дилбандларимга етибди. Энди аста-секинлик билан фарзандларимга зулм ўтказилмоқда. Она сифатида мен бунга жимгина қараб тура олмайман. Ўзбекистон қонун ва суд депортаменти тизимларининг бунингдек адолатсизликларига нисбатан ИСЁН қилишга қарор қилдим. Гарчи бу исён менинг ўлигим билан яқун топган тақдирда ҳам, аҳдидан қайтмайман! Шу сабаб, Ўзбекистон ҳукуматининг жамики расмийларига, дунё ҳамжамиятига бўлажак исёним ҳақида баёнат беришга қарор қилдим. Йўқ, мен ўлимдан кўркмайман, мени Ўзбекистон тузумидаги адолатсизликлар кўпроқ хавотирга солади!

Токи дунё ҳамжамияти бир ўзбек аёли Ўзбекистон ҳукуматининг адолатсиз тузумига қарши ўз жонини қурбон қилиш – Президент аппарати биноси олдида ўзига ўт қўйиш, қурбон қилиш орқали жамики адолатсизликларга ўз қурбонлиги, жасади, совуқ танаси орқали норозилик билдирганлигидан, исён қилганлигидан огоҳ бўлишсин.

ИСЁН мен онам билан видолашиб келгач, қарзларимни ҳисоб-китоб қилгач, 2016 йилнинг 4 апрел куни соат 14.30 да – президент аппарати биноси олдида амалга оширилади!

Ту тузимдаги ноҳақликлар, адолатсизликлардан ўлиб қутилмасам, қутила олмайдиганга ўхшайман. Бу қурбонлик адолатсиз тузимнинг энг сўнгги қурбони бўлиб қолади деб умид қиламан.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

Мустақил журналист, ҳуқуқбон
30 март, 2016 йил

Ўзбекистон МХХси учун Қирғизистон “хон дарвозами”?

Ўрта Осиё давлатлари мустақилликни кўлга киритганидан сўнг, ўз чегараларини мустақамлаш бошлагани ортидан, давлатлар орасида ўзаро ишонч ришталари ҳам узила бошлади. Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Туркменистон аҳолиси асрлар бўйи бир-бирига

қиз олиб, беришиб, куда-анда бўлгани бир зумда уларни хар тарафга тарқатиб юборди.

Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланмиш Ўзбекистон билан боғлиқ қатор ришталар, кейинчалик аста-секин узила бошлади. Бу табиийки, халқнинг хохиши билан эмас, балки ўзбек ҳукуматининг ўйлаб топган “Экстремизм ва терроризм” баҳонаси асосида узила бошлади.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритган илк кунлариданок, эркин фикрловчи, мустақил давлат арбобларини, сиёсатчи, диний олимларни қамаб, қатагон қилиб, қамаш билан халққа уларни “душман” сифатида кўрасата бошлади. Аслида, Ўзбекистон тубланиши ва

ривожланиши учун айнан шу инсонлар хизмат қилган эди.

Ўз давлатида таҳдид остида қолган инсонлар кўшни давлатларга, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларига ўтиб, қийин аҳволда яшашга мажбур бўлганлар. Улар ўзга юртда бўлсаларда, она юртидаги хар бир жараёнга бефарқ эмас эдилар ва қачонлардур албатта ўз диёрларига қайтиб, осойишталикда яшашликни орзу қилардилар.

Ўзбекистон хавфсизлик идоралари, нафақат кўшни давлатлардаги ўз фуқароларини таъқиб эта бошлади, балки кўшни давлат фуқароларини ҳам ноқонуний ўз ҳудудларига олиб ўтиб, уларни турли хил сохта айбловлар билан узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм этдилар.

Фарғона водийсидаги Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, кўшни Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод ва Боткен вилоятлари билан чеклашади. Бу ҳудудларда Ўзбекистон МХХ ходимлари

ўзларини эркин хис қилиб, кезиб юришлари ҳеч кимга сир эмас.

1999 йилнинг 16 февралда Тошкентдаги “сахналаштирилган” портлашлар ортидан Ўш шаҳри ҳудудидан бир нечта ўзбеклар Ўзбекистонда экстремизмда айбланиб, узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм этилган. Уларнинг

“Қочқинлар Қўмитаси” кўмагида Овropa давлатлари ва АҚШга йўл олганлар. Бу орада Ўзбекистон ҳукумати қочқинларнинг давлатда қолган яқинларига тазийқ ўтказиш билан, бир нечтасини алдов йўли билан ўз давлатига чақиртиришга эришганлар ва уларни ҳам сохта айбловлар билан қамаган.

Шунингдек, Ўзбекистон МХХ ходимлари кўшни давлат ҳудудида эркин юриб, ўз юртини тазийқлар туфайли тарқ этишга мажбур бўлган фуқароларини қирғиз ҳамкасблари кўмагида ноқонуний, яширин ўғирлаб кетишга мувофақ бўлганлар.

2006 йилнинг 6 август куни Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрида жойлашган “Ас-Сарахсий” масжиди имоми Мухаммадрофиқ Комолов, Ўзбекистон-Қирғизистон хавфсизлик хизматлари биргаликда ўтказган махсус амалиёт чоғида отиб ўлдирилади.

2007 йилнинг 26 сентябрь куни, 1995 йилда Тошкентдан Москвага учаётган пайтда самолёт зинасидан Ўзбекистон МХХ ходимлари



айримларининг жасади уйларига келган бўлса, кўплари хали ҳануз қамокда ўз жазоларини ўтамоқдалар.

2000 йилда Ўш шаҳридан ўз устахонасидан Қирғизистон СНБсининг Ўш вилояти бўлими ходими кўмагида Ўзбекистон МХХ ходимлари тарафидан ўғирлаб кетилган Хамидулло Омонов эса, диний айбловлар билан узоқ муддатга қамалиб, бир неча маротаба жазо муддати узайтирилган ва 2014 йилнинг баҳорида, қамокда “юррак ҳуружидан” вафот этган. Бу ҳақда яқинларига хабар берилмасдан, жасади ўрис қабристонига кўмилиб юборилган.

2005 йилнинг 13 майида Андижонда юз берган исён, ҳукумат кучлари тарафидан тинч аҳолига нисбатан қилинган қатагон ортидан, Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятига 500дан ошиқ одам қочқин сифатида ўтишга мажбур бўлганлар ва қарийб 1 ой давомида чодирларда, ночор аҳволда жон сақлаганлар. Кейинчалик улар БМТнинг

тарафидан номаълум тарафга олиб кетилган ва ўша кундан дараксиз йўқолган Андижонлик диний олим Абдували Мирзаевнинг ўғли Абдуқуддус Мирзаев онаси ва ўғли билан автоҳалокатда вафот этади.

Орадан кўп ўтамай, ўша йилнинг 24 октябрь куни Ўшлик таниқли журналист Алишер Соипов, ўзи таъсис этган “Сиёсат” газетасининг офиси олдида отиб кетилади. Алишер ўзининг мақолаларида Ўзбекистондаги ноҳақликларни ёритиб келган.

Бу Ўзбекистон МХХси тарафидан Қирғизистон ҳудудида амалга оширилган қотилликларнинг маълум бўлганларидир холос. Номаълум қотилликлар яна қанча эканлиги эса мавҳум.

Қирғизистон хавфсизлик хизматлари ўз ҳудудида Ўзбекистон МХХи ходимларининг эркин ҳаракат қилишларига изн бераётгани, бу давлатнинг ортиқча демократиялашганими ёки кучсиз эканлигидан далолатми?

ЎХХ ахборот бўлими



Миллий шууримиз — онгимиз заифлиги фожиадир ёки Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга Очиқ хат

Шундай ривоят бор: “Иброҳим Пайғамбарни мажусий Нимрод шоҳ тандирда ёндираётган вақтда бир чумоли оғзига сув олиб ёнгинни ўчиришга отланибди. Буни кўрган қурт-қумурсқалар ҳайрон бўлиб ундан сўрашибди:

-Сен бир томчигина сувинг билан шу оловни ўчира олишингга ишонсанми? Чумоли жавоб берибди:

-Афсуски менинг бу оловни ўчиришга қурбим етмайди. Бироқ мен умид қиламанки, қиёмат куни Яратган мендан Пайғамбаримни ёндираётганларида сен унга қандай ёрдам берган эдинг? деган саволга менинг ушбу ёрдам бериш ниятим-истагим жавоб бўлади” дебди.

Ушбу мисолдаги чумоли ҳиммати, шижоати, ибрати инсонлар учун ҳикматдир. Аллоҳни Пайғамбарини ўтда ёндираётганларида чумоли Яратганни қиёматда савол беришини ўйлайди ва Аллоҳ саволига Пайғамбарга ёрдам бериш нияти амали ила таёрланади. Бизчи? Ўзбекистон зиёлилари ва динимиз уламолари ҳар куни беш вақт намозимизда Расуллиллоҳдан қиёмат куни умматларига шафоат кўрсатишларини сўрайдиганлар азиз Пайғамбаримизни бўҳтон, тухмат ва маломатлардан ҳимоя қилиш учун нима қилдик?

Дунёда миллат борки унинг миллий шуурининг – миллий онгининг уч суянчиқ устунни ва манбаи бор:

Биринчиси: эгаллаб турган ери-

ватани.

Иккинчиси: она тили, адабиёти, маданияти.

Учинчиси: дину-диёнати...

Инсон онги – шуури шу уч нарсага муҳаббатдан, фахрланишдан ва эътиқод – амал қилишдан куч қувват олади. Гар улардан бирига путур етса, миллат кўрғонининг пойдевори дарз кетиб, томи ўпирилиб, деворлари қийшайиб қолади.

Фикримни бир мисол воситасида далиллашга ҳаракат қиламан. 1972 йил ёшим 19 да эди. Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетининг учинчи курс студенти эдим. Хорижий адабиётлар деган фан ўқитилар эди. Шу фандан имтихон топширишда мажбурий ўқиш учун белгиланган адабиётлар рўйхатида Дантенинг “Илоҳий комедия”си ҳам бор эди. Ўшанда рус тилида Дантени “Божественная комедия”сини ўқий бошладим. Асарни бир жойига етганда биров тўсатдан юзимга тарсаки тортгандек, устидан юзимга тупургандек гангиб қолдим. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) унда дўзахий деб тасвирланган эди. Дину-диёнатимизга ва Пайғамбаримизга эҳтиром менга такводор ота-онамдан мерос. Шу сабабли бу гапни кўтараолмасдим. Ижирғаниб аввал китобни бир четга улоқтирдим, кейин ғазабим ошиб катта китобни қайчилаб аҳлат қутисига ташламагунимча кўнглим таскин топмади. Бу воқеа

сабабли университет кутубхонасига “йўқотилган” китоб учун хурсандчилик ила 25 рубль жарима тўлаганман. Шу-шу Дантени номини тилимга олмадим, ундан, ижодий меросидан ҳазар қилдим ва ўзим билган ёру-дўстларимни, укаларимни, опаларим ва сингилларимни Данте — динимиз душмани экан, китобларини ўқиманглар деб огоҳлантирдим.

...Яна йиллар ўтди тагин кутилмаганда юзимга тарсаки тушди. Не кўз билан кўрайки, Дантенинг “Дўзахи” қора арвоҳдек яна қаршимда пайдо бўлди. Бу гал www.ziyouz.com электрон кутубхонасида...

Келинг ҳаммамизга қанчалик оғир ва жирканч бўлмасин Данте асарида Пайғамбаримиз ва Ҳазрат Алига бағишланган ўша бобни бир бўлагини ўқийлик.

Русчаси:

*Не так дыряв, утратив дно,
ушат,
Как здесь нутро у одного зияло
От самых губ до туда, где
смердят:*

*Копна кишок между колен
свисала,
Виднелось сердце с мерзостной
мошной,
Где съеденное переходит в кало.*

*Несчастный, взглядом
встретившись со мной,
Разверз руками грудь, от крови
влажен,
И молвил так: «Смотри на
образ мой!*

*Смотри, как Магомет
обезображен!
Передо мной, стена, идет Али,
Ему весь череп надвое рассажен.*

*И все, кто здесь, и рядом, и
вдали, —
Виновны были в распрях и
раздорах
Среди живых, и вот их рассекли.*

*Там сзади дьявол, с яростью во
взорах,
Калечит нас и не дает пройти,
Кладя под лезвие все тот же
ворох*

*На повороте скорбного пути;
Затем что раны, прежде чем
мы снова
К нему дойдем, успеют зарасты.*

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

*Так молвил Магомет, когда он
ногу
Уже приподнял, чтоб идти;
потом
Ее простер и двинулся в дорогу.*

Ўзбекчада йигирма саккизинчи кўшиқдаги кириш сўзини Абдулла Орипов куйидагича таржима қилган.

“Ушбу кўшиқда тасвирланган зотлар инсонлар орасига низо ва нифоқ уруғини сочганликда айбланади. Уларнинг жазоси ўзига хосдир. Маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуқтага етганда иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунга қадар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади. Бу ерда Данте Муҳаммад Пайғамбар, Ҳазрат Али, Медичи, Курион, Моска, Борон сингари зотларни учратади”.

Шеърӣ таржимани тўлиқ матнини www.ziyouz.com кутубхонасида, ёки Абдулла Орипов танланган асарлар тўрт жилдлик китобининг учинчи китоби, Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 2001 да ўқишингиз мумкин. Насрда содда ва аниқ баён этсам, Дантенинг талқини – пайғамбаримизга ва Ҳазрати Алига тухмати кўйидагича:

“Дўзах қаърида, қон, йиринг ва қайноқ сувдан иборат катта гирдоб бор. Дўзахга ташланган Пайғамбар Муҳаммад ва Ҳазрат Али ўша гирдоб бўйлаб чўкиб-қалқиб айланиб туришади. Ҳар гал улар маълум бир нуқтага етганда шайтон шамшир яланғочлаб уларни тикка ёриб ташлайди. Шу даражадаки – ичак-чавоқлари, юрак, бўйрақлари, думғозалари, кўзга ташланиб туради. Улар дод фарёд кўтариб айланишда давом этишади. Айланиб яна шу нуқтага етганда уларни жароҳатлари битиб таналари асл бутун ҳолига қайтади. Яна шайтон қилич сирмайди. Худди тарвузни кесиб, икки паллага бўлгандек уларни танасини иккига бўлади. Бу азоб уқубат ҳеч қачон тугамайди. Нега? Негаки, улар инсонлар орасига низо-нифоқ солишган. Шу туфайли абадул-абад дўзах азобига маҳкум этилган...”

Афсусларким таржимон ва китоб нашри учун маъсул шахслар – редколлегия аъзолари тамонидан Пайғамбаримизга Дантени очиқ душманлик ва нафрат кўзи билан

қараши, баҳо беришдаги ноҳақлиги ҳақида ўз фикр-муносабатларини изоҳ шаклида билдирмаганлар.

Хурматли ўқувчи, айтинг жаҳон адабиётида, матбуотида, телевидениясида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ва Ҳазрат Али (р.а) ҳақида бундан ортиқ бўхтон ва куфру — қабоҳатли тасвир борми? Ё тавба, ёкамни ушлайман ахир Абдулла Орипов ҳажга борган, Каабатуллоҳ атрофидан айланган, Мадинада Пайғамбаримиз қабрларини тавоф этган, бу тўғрида шеърлар ҳам битган эдику! Шундан кейин ҳам... Ҳа шундан кейин Ҳаждан қайтиб “Дўзахни” қайта нашр этган. Тўрт жилдлик сайланмасига жойлаган, интернет оркали бутун дунёга кўз-кўз қилиб турибти... Ана шу “хизмати” учун Италия президенти уни “Италия юлдузи” ордени билан мукофотлаган, “Бухоро мавжлари” журнали шу муносабат билан шоирни қизғин муборакбод этган.

Бухоролик журнал ноширлари ва ҳомийлари ўзларининг шоирга хушомадгўйликлари билан катта хатога-гуноҳгайўлқўйганликларини тан олишлари ва тавба-тазарру қилишга киришишлари учун 40 йил кетмайди, деган умиддаман.

Абдулла аканинг жуда хунук қилғиликлари ҳақида ўйлаб ўйимга етолмайман, бир ёқдан бу одам Ҳаж зиёрати қилади, Расуллilлоҳга иззат-эҳтиром билдиради, иккинчи ёқдан машғум китоб воситасида Дантенинг Пайғамбаримиз шаънига бўхтон ва ҳақорату-маломатини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб кенг тарқатади. Бу икки бир-бирига тамом тескари нарса битта одамни юрагига қандай сиғди экан? Бунинг учун у ким бўлиши керак?

Абдулла Орипов Дантенинг “Дўзах”ни таржима қилганига қирк йилдан ошди. Шу таржимаси туфайли қанчадан-қанча мактов, ҳамду-санолар эшитди. Аммо адабиётшунос олимларимиз, адабиёт танқидчилари ва умуман хушёр мусулмон ўқувчилари томонидан аччиқ ҳақиқат айтилмай қолаверди. На олимлар на уламолардан садо чикмади. Ҳамма мум тишлаб, пинакка кетган. Хўш, нима бу? Жаҳолат шармандалик эмасми? Ундан ҳам баттар, миллий шууримиз фожиаси – миллий онгимиз ниҳоятда заифлашганини намоён бўлиши бу.

Миллий шууримиз, диний онгимиз ва ғуруримиз озгина уйғоқ бўлганда Дантенинг Пайғамбаримиз ҳақларидаги бу бўхтон куфру-қабоҳатга

лоқайд, бепарво қараб турмасдик. Айтилиши жоиз бўлган рост гапни кимдир айтарди. Айтайлик шўролар тизими даврида, коммунистик – худосизлик мафқураси ҳукмрон бўлган вақтларда Дантени ислом динига қарши бўлган асарини ва уни таржима қилган кимсани танқид қилиш жуда ҳавф-хатарли иш бўлган. Аммо, Ўзбекистон 1991-йилда, чорак аср муқаддам мустақил давлат бўлганидан сўнг, мамлакат Конституцияси – Бош қонунимиз фуқароларга сўз ва виждон эркинлиги ҳуқуқларининг кафолатини берганидан кейин ҳам ҳеч ким ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдаланиб шижоат кўрсатиб диний эътиқодини, азиз Пайғамбарини шаънини тухматлардан ҳимоя қилувчи сўзини Абдулла Ориповга ва у кишини китобларини нашр этган ноширларга айтмаганига нима дейсиз?

Келинг ўша зарур, адолат талаб қилган танқидий сўзни айтувчи ва тўғри йўлга киришга маслаҳат берувчи, бадбахт Абдулла Ориповни ҳаётда бирорга чин дўсти бўлмаган бўлса, уни оғир хатоликдан ва гуноҳлардан қайтарадиган дўсти мен бўлай. Худо йўлига, шоирни оғир маънавий касалигини даволайдиган жарроҳ бўлай, Худо хоҳласа. Яъни 75-ёшли кекса, оғир касал бўлган шоирга раҳми келган мусулмон ва адабиёт мухлиси сифатида ҳақиқатни юзага чиқарай ва у кишига мусулмонлик одоби, талаби буйича ёрдам қўлини чўзай. Сўзим шуким:

Абдулла Орипов ҳаётлигида, эси-ҳуши борида этагини йиғсин. Ҳақ олдида, халқ олдида, ўз виждони – иймони олдида ушбу қилмиши учун астойдил тавба-тазарру этсин: “Дўзах” таржимасидан расман воз кечсин, Италиядан олган мукофоти – тавқи лаънатини расман қайтариб берсин. Шоядким тавба қилганларни кечиргувчи Зот у кишини ҳам тавбаларини ижобат қилса ва гуноҳларини кечирса. Абдулла ака Аллоҳ ҳузурига гуноҳлардан фориг бўлиб, ёруғ юз билан борса. Бу нарса авлодларга аччиқ сабоқ, тақрор этилмайдиган мисол ва ибрат бўлсин.

Мен ушбу танқидим ва таклифим ила адабиётимиз учун катта хизмат қилган атоқли шоирга ёмонлик эмас, яхшилиқ истайман, Аллоҳ наздида ва авлодлар назарида бадном бўлмасин дейман. Гапнинг индаллоси шу. Тамом, вассалом.

Анвар Ҳусайнов
Манба: Facebook.com

Ж а м о а т ч и л и к телерадиокорпорацияси (ЖТРК) қўлга олинган муҳолифат аъзоларидан бири Эрнест Карибековни “Ўзбекистон махсус хизматлари” билан боғлаган кўрсатув намойиш қилди.

16 дақиқалик сюжет 27-март куни ЖТРКнинг яқшанба кунги эфирига берилган.

Кўрсатув ёзуви канал сайтига қўйилган бироқ кейинчалик, кейинги куннинг иккинчи ярмида сайтдан олинган.

Сюжетда Эрнест Карибековнинг Қирғизистонда ҳукумат алмашадиغان бўлса лавозимларни бўлиштириш тўғрисидаги гапларининг аудио ёзуви берилди. Бу аудиоёзувнинг ҳақиқийлиги ҳозирча тасдиқланмаган.

ЖТРКси Карибековнинг “Ўзбекистон махсус хизматлари” биланалоқасибўлишимумкинлигини ҳам маълум қилди. Бунга далил сифатида Карибековнинг электрон почтасидаги хатлар скриншоти ва муҳолифатчининг қандайдир Фарход Парпиев билан учрашуви акс этган видео келтирилади.

“Парпиевнинг айрим маълумотларга кўра, Ўзбекистон махсус хизматлари билан алоқаси бор. Фарход Парпиев шунингдек “Салим Бой” номи билан машхур кримавторитет Салим Абдувалиевнинг ишончли кишиларидан бўлиб ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистонда жиноят олами ўзбек махсус хизматлари назоратида туради”, — деб маълум қилади ЖТРК.

Сюжет муаллифлари кадр ортида, Карибеков сўнги йилларда Қирғизистон манфаатларини ҳимоя қилмаганини айтишади. Улар бунга мисол тариқасида муҳолифатчининг энергетик хавфсизлик масаласида ҳукуматни танқид қилган мақолаларини келтиришади.

“Манбаларимизнинг маълум

қилишича, У (Карибеков) миллий хавфсизлик органлари эътиборини яқиндагина тортган. У ҳукумат апарати қошидаги иссиқлик-энергетик комплекс бўлим раҳбари бўлиб турганида, у стратегик муҳим аҳамиятга эга ва давлат сирларини олиш имконига эга бўлган”, —



ЖТРК муҳолифатчининг “Ўзбекистон махсус хизматлари” билан алоқаси тўғрисидаги кўрсатувни намойиш қилди

дейлади сюжетда.

Мақолани чиқариш чоғида сюжет материални ЖТРК сайтдан олиб ташланган эди. Кўмак кўрсатиш бўлимида Kloop.kg муҳбирига, сюжет бироз вақтдан кейин, ўзгартишлар киритилгач яна қўйилишини айтишди. Бироқ айнан қандай ўзгаришлар эканини айтишмади.

Муҳолифатчиларнинг қўлга олинishi

Эрнест Карибеков 25 март куни муҳолифатчилар ҳукуматни куч билан босиб олишга ҳаракат қилганликда айбланаётган Бектур Асанов ва Кубаничбек Кадилов билан бирга қўлга олинган. Улар 12 майга қадар тергов изоляторида сақланади.

Учаласи ҳам ҳукуматни алмаштириш тўғрисида гаплашилган суҳбатлари аудио ёзуви эълон қилингач қўлга олинган. Махсус хизматлар ёзувнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашди. Бироқ муҳолифатчиларнинг ўзлари аудио ёзувлар монтаж эканини айтмоқда.

Карибеков, Асанов ва Кадилов қўлга олингач муҳолифат уларни озод этилиши учун бишкекда митинг

ўтказишга ваъда берган эди.

Политолог Медет Тюлегеновга кўра, муҳолифатчилар Ўзбекистон махсус хизматлари билан алоқадор бўлмасликлари ҳам мумкин, бундай қарор эса митингларга сабаб бўлган қирғиз-ўзбек чегарасидаги вазият сабабли келиб чиққан бўлиши мумкин.

“Менимча, бу барча ўз фойдаси учун фойдаланган, чегарада юзга келган вазият билан боғлиқ. Муҳолифатнинг айрим аъзолари бундан фойдаланмай қўймади ва бу уларнинг қўшни давлат билан алоқадордай кўрсатди”, — деди Тологонов Kloop.kgга берган интервьюсида. У шунингдек, куч тизими ва суд системалари кўп ҳолларда амалдаги ҳукуматга сиёсий содиқлигини намоён этишга уринишини қўшимча қилиб ўтди.

“Бу жиҳатдан ҳар қандай нуқсон бир оз бўлсада тангликни пайдо қилиши мумкин. Сиёсий қатағонлар учун ҳукумат ресурсларини фойдаланиш адолатсизлиги кучаяётгандек сезилиши мумкин. Бу каби таҳлика бор ва буларга эътибор бермай қўйиш мумкин эмас”, — деди Тологонов.

Манба: uz.kloop.kg

Олмония Ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ҳукумати олдида инсон ҳуқуқлари масаласини кўтарди

Олмония Ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон ҳукуматини инсон ҳуқуқларига риоя қилишга чақирди. Узининг 30 март кунги Тошкентга сафари давомида у мамлакат ҳукуматига “инсон ҳуқуқлари борасидаги вазиятни яхшилаш йўлига қадам қўйиш”и ҳақида мурожаат қилган. Олмон вазири сафари бошида Ўзбекистонлик ҳамкасби Абдулазиз Комилов билан учрашган.

Хабарларга кўра, суҳбат давомида Штайнмайер Тошкент

томонидан қатор бюрократик муаммоларни бартараф қилиниши лозимлигини айтиб ўтган. Олмония Ташқи ишлар вазири, Берлин Ўзбекистондаги ички сиёсий вазият борасида “очиқ диолог” тарафдори эканлигини таъкидлаган. Шунингдек Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари Штайнмайер ташрифини таҳлил қилар эканлар, унинг республика ҳукумати олдида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масаласини кўтаргани ҳақида оғиз очишмади. Штайнмайер Урта Осиё минтақасини стратегик муҳим дея

баҳолади. Унинг айтишича, бу ерда Берлин учун бефарқ бўлмаган “катта иқтисодий имкониятлар” билан бир қаторда, “муҳим барқарорлик хавфи” ҳам мавжуддир.

Шунингдек Олмония Ташқи ишлар вазири мамлакат ҳукумати билан терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳақида ҳам суҳбатлашган. Ўзбекистондан сўнг Франк-Вальтер Штайнмайер Қирғизистон ва Тожикистонга ташриф буюриши режалаштирилган.

УХХ хабарлар бўлими



Таълим вазирлигидаги коррупционерлар битта дафтардан қанча фойда қилишади?

Фақат эътибор бериб, Халқ таълими вазирлигининг 2016-2017 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган болалар учун ўқув куроллари харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонини ўқиганингиздан кейин кўнглингиз бир нарсани сезгандек бўлади.

Эътиборингизни 12 варақли оддий дафтар учун белгиланган нарх тортиши мумкин. Чунки агар бошланғич синфга борадиган фарзандингиз учун бундай

дафтарни оддий канцелярия дўконидан донабай, яъни чакана нархда 250 сўмдан харид қилаётганингиз (бунда нақд ёки пластик карточкадан тўлашингиз мумкин) эсга тушади-ю, кейин вазирлик қарийб 8 миллион дафтар учун энг юқори харид нархи сифатида нега 350 сўм белгилади экан, деб ўйланиб қоласиз.

Чунки бунча дафтар харид қилаётганда нарх яна анчагина пасайиши, масалан, 200 сўмга тушишини савдогарлар яхши билади. Ўша улгуржи сотаётганлар ҳам қўшимча қиймат солиғи,

жой пули, даромад солиғи ва ҳоказоларни қўшиб шунча нарх белгилайди.

Албатта, вазирлик дафтарни 200 сўмдан ҳам сотиб олиши мумкин. Лекин энг юқори нарх 350 сўм белгилангани, бу эса коррупция учун кенг майдон эканини тушунадиган одамга бу ерда 10 сўм ҳам миллионлар учун замин яратишини англаб етганидан кейин, хоҳлайсизми-йўқми, орада миллионлаб сўм ўйнаяпти, деб фикр юритишига асос бўлади.

Дейлик, вазирлик 7 862 058 та дафтар учун 350 сўмдан максимум 2 миллиард 751 миллион сўмдан ортик маблағни мўлжалляпти. Бозордаги нархнини тахминан 200 сўм деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам бунча дафтар 1,5 миллиард сўмдан сал ошади. Агар тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг ўзидан оладиган тақдирда бу нарх анча арзонлашиши мумкин.

Биз бу рақамларни оддий харидор сифатида ҳисоб-китоб қилдик. Шунда ҳам орада миллиард сўмдан ортик маблағ «ўйнаяпти». Агар унинг ёнига вазирлик сотиб олмоқчи бўлган миллионлаб акварель, пластилин, рангли қалам, пенал, расм дафтари, рангли қоғоз тўплами, шарикли ручка, елим, сумкаларни ҳам қўшсангиз (албатта, бозордагидан анча баланд нархда), орада миллионлаб сўм пул кимларнингдир чўнтагидан жой олади, деган тўхтамага келасиз.

Манба: Eltuz.com

Шу кунларда қўшиқчи Райҳоннинг ўзбекчани билмаслиги Фейсбукда баъзиларнинг бир томонлама танқидларни кучайтириб юборди. Уларнинг баъзи гапларига қисман қўшиламан: Райҳон ўзбек хонандаси ҳисобланади ва Ўзбекистонда улғайган. Тили русча чикқан ва русча таълим олган бўлса ҳам, ўзбек халқи ҳақ-хурмати бу тилни ўрганиши шарт эди.

Афсуски, ўзбек санъаткорлари ва зиёлилари орасида ўзбекчани эплаб гапира олмайдиганлар ҳалиям жуда кўп. Буни, бир сўз билан айтганда, миллат ва ватанга ҳурматсизлик дейиш мумкин. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор: бугун Райҳонни ердан олиб, ерга ураётганлар Ўзбекистонда минглаб каттароқ

Ёки ёмоннинг зўри япалоққа етдими?



муаммолар турганда бир қўшиқчини тавқи лаънатга қўйишлари қуюшқонга сиғмайди.

Албатта, тил ва миллат ҳақида гапириш керак, аммо ҳамма нарсанинг меъёри бор. Халқ сарсон саргардон, коррупция бўйинга қадар ботган, ҳукумат билган ўтини еб ётибди, мик дейдиган одам йўқ.

Беш олти йил олдин ўзига Гугуша номини олган қўшиқ куйлаганида қаерда эдингиз? Чингиз Аҳмаров яратган Тошкент метросидаги дурдона асарлар бўяб ташалганида қаерда эдингиз? Бутун мамлакат бўйлаб чинорлар кесилишига нега миқ демайсиз? Ёки ёмоннинг зўри япалоққа етдими?

Сирожиддин Исломо
«Озодлик» радиоси ходими

Куни кеча республиканинг барча вилоятларида маҳаллий кенгаш депутатларининг сайловлари бўлиб ўтди. Бу сафар ҳам Қирғизистон ҳукумати ҳар галгидек “ҳаққоний” сайлов ўтказа олдиқ дея мақтанди. Бироқ, аслида сайловлар кўпол қонунбузарликлар билан ўтган.

27 март куни бўлиб ўтган Ўш шаҳар кенгаши депутатлари сайловида 20 дан ортиқ партия номидан мингдан ортиқ инсон ўз номзодини кўрсатган.

Расман бир ой аввал бошланган сайлов тарғибот жараёнига Ўш шаҳар ва туманидаги ўзбеклар кўпроқ жалб этилган. Улар асосан ўзларининг мавзейларида тарғибот ишларини олиб борган.

“Яхши бузоқ, икки онани эмади” деганларидек, бир инсон бир вақтнинг ўзида бир эмас, икки ёки ундан ҳам ортиқ партия тарғиботчиси ўлароқ ёзилиб, ҳар биридан маълум миқдорда пул ундиргани маълум.

“Ён қўшним бир кун бир партиянинг футболкасини кийиб чиқди, эртаси бошқа бир партиянинг футболкасини кийиб чиқибди. Ие, нега кеча ундай, бугун бундай десам, кулиб: Биз пул олсак бўлгани, деб айтди” – дейди Ўшлик Гофур. Бу каби ҳолатлар деярли барча ўзбек тарғиботчиларида кузатилади. “Пул берсанг ҳамма нарсага тайёрман” деб турган ўзбекнинг холига ачинасан баъзида. Нахот, улар учун пул виждондан ҳам азизроқдир!

Қирғизистонда, хоссатан Ўшда ҳар сайлов мавсумида номзодлар аҳоли билан учрашиб, муаммоларини эшитиб ва уларни ўша вақтнинг ўзида ҳал қилиб беришга ҳаракат қиладилар. Масалан: лой кўчаларга, шағал тўқдириб, теккислантиради ва асфальт ётқиздиради. Кўчаларга ёруғликлар ўрнатиб, мактаб, бола боғчаларни таъмирдан чиқартирадилар ва шу каби аҳолининг муҳим эҳтиёжларини қаноатлантиради. Сабаби, сайлов куни ўша инсонлар бу номзод учун овоз беришлари қафолатланади.

Ўзбекларчи? Улар учун пул бўлса бас! Чанг ва қоронғу кўчаларда юриб, эски биноларда тахсил олишни давом эттираётган ўзбеклар, гўёки фақат бугунги кун билан яшаётгандек. Маҳалла бошчилари (эликбоши) раҳбарлигида уйма – уй юриб, инсонларни паспорт маълумотларини ёзиб олиб, ўзлари тарғиботчи ҳисобланган партияларга маълум сондаги



Қирғизистондаги “адолатли” сайловларда ўзбекларнинг ўрни

инсонларни қафолатланган овоз сифатида тақдим этишлари ажабланарли ҳол.

“Поликлиникага тушсам, у ерда ишлайдиган танишим: “Мен СДПК партиясига тарғиботчи сифатида ишлаётган эдим. Сизнинг исми-шарифингизни ёзиб олсам бўладими” деб сўради. Унга йўқ дея олмасдан, майли деб ёздирдим. Уйга чиқсам, ён қўшнимиз ҳам бошқа бир партия номидан кириб, уйдагиларнинг исми-шарифларини ёзиб чиқиб кетибди. Буларнинг қайси бирига овоз беришга ҳам хайронсан” – дейди Дильфуза.

Бир партия ҳар бир тарғиботчисига мавзейига қараб, ўртача 3000-5000 сўмдан (40-70 доллар) бир ойига ҳақ тўлайди. Ундан ташқари, партиянинг футболка, бош кийим ва турли хил буюмларини, мавзейдаги сайловчиларга ҳадия этишлик учун берадилар. Лек, уларнинг аксарияти тарғиботчиларнинг ўзларида қолади.

Маҳалла раҳбарларидаги (эликбошчи) маълумот асосида, ҳар бир мавзейдаги сайловчилар сони ҳисобланиб, сайлов куни фақат бир партияга овоз беришлари учун, уларга аввалдан маълум миқдорда пул берилиши анъанавий ҳолдир.

«Уйимизда сайловга борадиган тўрт киши бор. Эликбоши уйимизга кириб, паспорт маълумотларимизни ёзди ва 4000 минг сўм пул бериб чиқиб кетди. Сайлов куни ўша партияга овоз

бердик» — дейди Ўш шаҳар яшовчиси Илхом.

Одатда, эрталаб соат 8:00да очилган сайлов марказларида энг аввало партия тарғиботчилари билан кузатувчилари пайдо бўлади ва улар ўзларининг одамларини чақириш билан шуғулланадилар. Шаҳарнинг турли хил мавзейларидан одамларни сайлов марказларига олиб келиш учун махсус кичик автобуслар хизмат кўрсатадилар.

Сайлов куни ёнма-ён яшовчи қўшнилари ҳам иккиси, бошқа-бошқа партиялар номидан кузатувчи сифатида, сайлов марказларидаги қонунбузарликлар юзасидан ўзаро келишаолмасдан, ораларида низо пайдо бўлади ва бир умрлик душманга айланадилар. Гарчан, ҳар иккиси ҳам адолатли сайлов тарафдори эмас.

“Икки қўшним турли хил партиялар номидан сайлов участкаларида кузатувчи бўлиб туришган. Партиялар уларни иш ҳақларининг ярмини берганлар, сайловдан ўтиб олганларидан сўнг, пулни қолган қисмини берамиз деганлар. Унгача, сайлов марказларида иккала қўшним бир-бирларини айбларини излаб, арашлаганлар. Сайлов натижаларига кўра, ҳар иккала партия ҳам ўта олмаган ва анови иккала қўшнимга ҳам пулларининг қолган қисмини бермай кетганлар. Бир кунлик сайловни деб, ён

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўшнилар юз кўришмас бўлиб кетди» – дейди Нигора.

Қирғизистон ҳукумати сўнги пайтда, сайловларни замонавий технологиялар билан ўтказаетганини мақтансада, лек, маҳаллий сайлов марказларида аҳвол ўзгармаяпти. Сайлов жараёни бошланганидан то тушгача бироз, халқ ва кузатувчилар учун сайлов жараёни қонуний ўтгандек бўлади. Тушдан кейин эса, аввалдан маълум партиялар учун тайёрланган сайлов қоғозлари қутиларга солинади. Бу жараёнга хаттоки «мустақил кузатувчилар» ҳам жалб этилади. Ва албатта бунинг эвазига улар учун

махсус дастурхонлар тузалади.

Ўш шаҳрининг Шарқ қишлоғидаги сайлов маркази раҳбари мустақил кузатувчилар тарафидан, сайлов қутиларига ноқонуний сайлов қоғозларининг (бюллетень) солиниши юзасидан билдирилган эътирозга жавобан: «Ука, биз ўзбекларга сайловнинг қандай ўтиши барибир эмасми?» – дея жавоб берган.

Айнан, Қирғизистонда яшовчи бир миллиондан ошқироқ ўзбеклар учун сайловларнинг адолатли ўтиши муҳимдир. Сабаби, давлатнинг эртанги куни, равнақи ва қулаши ҳам биз ўзбеклардан талаб қилинади. Зеро биз Ўшга ўзга жойдан кўчиб келган эмасмиз, балки

шаҳарнинг асосчилариданмиз.

Қирғизистон сайлов марказининг маълумотига кўра, Ўш шаҳар кенгаши депутатлигига қўйидаги партиялар сайловда ғолиб чиққанлар: «СДПК» партияси – 30,6%, «Қирғизистон» партияси 15,07%, «Мақоним Қирғизистон» партияси – 11,08%, «Республика-Ота Юрт» партияси – 9,07%, «Бир Бўл» партияси – 8,05% ва «Онугуу (Ривожланиш)» партияси – 8%.

Эслатиб ўтамиз, Ўш шаҳар кенгаши депутатлари 45 нафарни ташкил этади. Сайловда 8% бўсагани қўлга қиритган партия номзодлари депутат бўлиб сайланадилар.

ЎХХ ахборот бўлими



Эрдоғандан дин ўрганаяпмизми?

Бир постда, Эрдоған ҳақида фикр юритилганда бир акамиз «Биз динни Эрдоғандан ўрганмаслигимиз керак» деб, шарҳ ёздилар. (Албатта у шарҳ узунроқ ёзилган ва шарҳда «илм олиш йўлида устоз танлашда эҳтиёт бўлиш керак» деган жўяли фикрлар ҳам берилган.

Уша шарҳга жавоб ёзгандим. Ўша ёзган жавобимни бу ерга ҳам алоҳида постда бошқаларга тушунарли бўлишлиги учун қўйяпман.

«Эрдоғандан ҳеч ким дин ўрганмаяпти.

Туркияни Отатурк бошқарган давр билан бизнинг Собик Иттифоқ даврини ўша бошланиш йиллари, 20-60-йиллар бири-бирига мос келади. Яъни биздаям ўзлигимиз, тарихимиз, динимиз унуттирилиб, аллақандай келгинди ва босқинчиларни тарихи ўқитилди, ғояси сингдирилди. Турклардаям шунақа бўлди.

Уларни 60-йиллардан 90-йилларгача бўлган ҳолати ҳам бизни ўша йиллардаги ҳолатимизга ўхшаш. Ушанда биздаям яна «эскилик сарқитлари»га қарши янги ҳаракат бошланди.

Туркияда ҳам Отатуркни ғояларини ёқлайдиган, «Европалашишни» ҳоқлайдиган ҳарбийлар диктатура ўрнатдилар.

91 йилда биз мустақил бўлдик. Энди ҳеч ким бизга «Ислом дини эскилик сарқити» деб гапира олмайди, ёки «Темур босқинчи, Иван Грозный ва Петр Биринчилар буюк саркарда бўлишган» дея олмайди бўлди.

Ухшашликни қарангки Эрдоғанни партияси иқтидорга келиб, улар ҳам тарихдаги ҳар хил «запрет»ларга барҳам берилиб турк халқини онгида катта ўзгаришлар кўзга ташланди.

Мана шу ерда солиштирсак биздан кўра анча «дунёвийроқ ва европалашган» Туркияда ҳоқ диний, ҳоқ маънавий, ҳоқ тарихий кадриятларга эътибор кучлироқ бўлаётганини кўрасиз.

Ҳа биз Эрдоғандан дин

ўрганмаяпмиз, балки у турк аёлини бошидаги рўмоли дахлсиз бўлиши керак деган жойда, бизникилар, аёл-қизларимиз бор йўғи рўмолни томоғини тагидан боғлагани учун паркка, зопаркка киргизмаяпмиз. Уқишга олмаяпмиз. Ишга қабул қилмаяпмиз.

(Шу ерда бироз тушунча бераман: Рўмолини томоғини тагидан ўраган опа-сингилларимиз уйда, жамиятда бемалол юришибди. Аммо улар на давлат ва на хусусий корхоналарда ишга қабул қилинмаяптилар. Ёки мактаб, қоллежларда рўмолини ўшанақа ўраганларга кўзим тушди. Аммо, олий ўқув юртларига рўмолни унақа қилиб ўраб борганларни кўрмайман. Баъзи танишларимни қизлари, ёки опа-сингиллари ўқишяпти. Аммо улар ўқишга киришда рўмолини томоғини тагидан эмас, балки орқадан ўтказиб бошини тепасини ўзига боғлаб кираркан.)

Биз Эрдоғандан динни ўрганмаяпмиз. Балки бизнинг тепамиздагилар ҳам ўз муслмонлигини унутиб қўямасин, ўзи учун Эрдоғандай озгина Қуръон ёдласин, агар ўзини муслмон ҳисобласа диндан узоқлашмасин, деймиз. Ёки шунини орзу қиламиз. Чунки улар ҳам ўзини муслмон ҳисоблайди, Улганларини тепасида Таборак ўқилиб, муслмонча қилиб кўмилаяпти.

Шундай экан, жа берилиб кетмаса ҳам меъёрида Ҳақни танисин деймиз. (Узини муслмон санамайдиганларга бу гапни алоқаси йўқ.)

Аммо бизни шу ўйловимиз, шу орзуларимиз кимларгадир «Эрдоғандан динни ўрганиш» бўлиб туюлаётган экан, бу бизни эмас, уларни тушунчасини қусурдидир.

Олдин мана шунини тушуниб олиш керак.

Файрат Йўлдош
Манба: Facebook.com

“Пахтакор” клубининг ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг энг яхши ҳужумчиси Игорь Сергеев ушбу мавсумда бирга-бир вазиятларни голга айлантира олмай мухлисларнинг ҳафсаласини пир қилди. Аввал ОЧЛ баҳсларида, кейин эса ЖЧ-2018 саралашда ўта қулай вазиятлардан гол ура олмади.

Рақиб дарвозабонлари билан икки марта бирга-бир чиққан Сергеев икки маротаба



дискларни намойиш этиб: “Катталарнинг хатоларини кўринглар ва уларни такрорламасликни ўрганинглар. Ақлли одамлар ўзгаларнинг хатоларидан ҳулоса чиқарадилар”, дейди. Эрта-индин мураббийимиз 10-12 яшар болакайларга Игорь Сергеевнинг хатосини ҳам кўрсатмаса, деган хавотирдаман.

Мустақил Ўзбекистоннинг футбол тарихида Олег Шацкихга етадиган ҳужумчи

Болакайлар учун “бирга-бир” геометрия, ёхуд Сергеевнинг доимий хатосидан чиқадиган ҳулосалар

ҳам бир хил хатога йўл қўйди. Рақиб дарвозасига яқинлашиб бораётган Игорь тўп билан ё ўнгротқа, ёки чапроққа ҳаракат қилиб, дарвозабонни ўнгга ёки чапга силжитиб, ҳеч бўлмаса битта сохта зарба (“замах”) қилиб, кейин очикроқ қолган бурчакка зарба бериш ўрнига, дарвозабон турган нуктага тўғри траектория билан бориб, ҳеч қандай сохтакорликсиз (“замахсиз”) рақиб қалъачисининг ўзига зарба берди.

Ўша вазиятларда ҳужумчи қилиши мумкин бўлмаган БИТТА ХАТО ҲАРАКАТ — дарвозабон турган нуктага тўғри траектория билан бориб, ҳеч қандай сохтакорликсиз (“замахсиз”) зарба бериш — мавжуд эди. Ўзбекистоннинг етакчи ҳужумчиси эса айнан шу йўлни танлаб, вазиятларни кўкка совурди.

Ваҳоланки, ўша ўйинларда Сергеев олдида камида УЧТА ТЎҒРИ ЙЎЛ бор эди.

Биринчи йўл — тўп билан ЎНГРОҚҚА ҳаракат қилиб, дарвозабонни ўнгга силжитиб, ҳеч бўлмаса битта сохта зарба (“замах”) қилиб, кейин очикроқ қолган бурчакка зарба бериш эди.

Иккинчи йўл — тўп билан ЧАПРОҚҚА ҳаракат қилиб, дарвозабонни чапга силжитиб, ҳеч бўлмаса битта сохта зарба (“замах”) қилиб, кейин очикроқ қолган бурчакка зарба бериш эди.

Учинчи йўл эса нисбатан ҚИЙИН ЙЎЛ бўлиб, дарвозабон турган нуктага тўғри траектория билан бориб, алдамчи ҳаракатлар билан уни чалғитиб, кейин зарба бериш эди.

Бу вариантларни ушбу мақолага илова қилинган чизма-расмда кўрсатганман.

Қизил ҳоч билан хато ҳаракат кўрсатилган.

Ҳатто пенальти тепаётганда ҳам футболчи тўпга тўғри траектория билан эмас, 45 градусли қийшиқ траектория билан бориб тепиши керак. Ақс ҳолда дарвозабон футболчининг зарбага шайланган оёғининг позициясидан тўп қайси бурчакка йўналтирилишини пайқаб қолиши мумкин.

Булар футбол мактабларида ёш ҳужумчиларга ўргатиладиган оддий усуллардир. Ҳар қандай дриблинг аввал сохта (ёлғон) ҳаракатлар, кейин эса асл ҳаракатдан ташкил топгани каби бирга-бир вазиятлар ҳам ҳам аввал сохта, кейин эса чин ҳаракатлардан ташкил топиши керак. Агар рақиб дарвозабони билан бирга-бир вазиятга чиқиб борувчи футболчи худди Игорь Сергеевдек ҳеч қандай сохта ҳаракатларсиз, ўзининг асл ҳаракатини (дарвозага зарба беришни) бажараверса, бундай вазиятлар йўққа чиқарилаверади.

Икки йил олдин ўғлимга футбол техникасини ўргатувчи мураббий-репетитор ёллаганман. Ўша мураббий ҳар машғулотни ярим соатлик “тушунтириш ишлари”дан бошлайди. Ҳар бир финтни ўргатаётганда доим: “Рақибни алдаш учун энг аввало асл ниятни яшириш керак!”, дегани деган. Унинг айтишича, футболчи тўпни, масалан, ўнг бурчакка тепмоқчи бўлса, худди чап бурчакка тепаётгандек ҳаракат қилиши керак. “Қарашинг, югуришинг, қадам босишинг билан асл ниятинингни билдириб қўйсанг, финтинг амалга ошмайди”, дейди.

Мураббий-репетиторимиз баъзида катга футболчиларнинг хатолари тасвирга туширилган

ҳозирча топилмаяпти. Ушбу форвард ҳар қандай вазиятни голга айлантира олар эди. Олег учун бирга-бир вазиятлар “копейка” эди.

Эҳ, ажойиб даврлар эди! “Ўтдикетди у дамлар, ўзи учар гиламлар” деганларидек, кунимиз дарвозани икки метрдан ҳам нишонга ололмайдиган ҳужумчиларга қолди.

Голга тортмайдиган, мураккаб вазиятларда боши билан қойилмақом тарзда гол урадиган Сергеев негадир жуда қулай позициялар, шу, жумладан, бирга-бир вазиятларда оёқда гол уришга қийналади. Мен матбуот анжуманларида бу хусусда футболчига икки марта савол ҳам берганман. Игорь доим: “Нега шундай бўлишини билмайман”, деб жавоб берган.

Менимча, бу ҳолат Игорь ёшлигида асосан ҳимояда ўйнаб улғайгани, ҳужум чизиғига эса кейинчалик мураббийларнинг кўрсатмаси билан ўтгани билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Игорьнинг техникаси (тўп билан муомаласи, дриблинги) ҳимоячиларнинг техникасига тортади.

Масалан, тўпни тўхтатиш ва тезда ўзига мослаштириш бўйича Игорь Сергеев ҳамда Анзур Исмоилов ўртасида фарқ кам.

Менимча, бир хил хатони такрор ва такрор қиладиган футболчи ёши ҳамда обрўсидан қатъий назар ўз устида ишлаб, камчиликларини йўқотиб бориши керак. Шундагина у маҳорат жиҳатидан ўсишга эришиб, ҳам ўзига, ҳам жамоасига, ҳам термасига фойдаси кўпроқ тегади.

Бобомурод АБДУЛЛА
Манба: Facebook.com

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бу хонага ижарачилар ҳам тисланиб келар эди, лекин синглиси абжирлик билан кўрпа-ёстикларни тартибга келтирди ва кўз очиб-юмгунча уларга ўрин солди. Отаси бўлса ўжарлиги тутдими, ижарачилар олдида мажбуриятни ҳам унутиб, уларни сиқиб борарди. Ниҳоят, ўртадаги ижарачи — бўсагага етганда — полни гурсиллатиб тепди ва чол ўзига келди, тўхтади.

— Ижозатингиз билан шуни айтгайки, — деди ижарачи кўлини кўтариб ва айна пайтда кўзлари билан она-қизни ахтарди, — бу уй, бу оиладаги разил одатларни (у ерга туфлади) тушундим ва мен ижарадан воз кечаман. Бу ерда яшаган кунлар учун бир чақа ҳам тўламайман, аксинча, менинг сизга даъвом бор, ишонтириб айтаманки, бунга асос ҳам бор.

Кейин жим бўлди. Ниманидир кутгандай қотиб қолди.

У беҳуда кутмаган эди — ёнидагилар тилга кирди:

— Биз ҳам ижарадан воз кечамиз.


Шундан кейин улар хонанинг эшигини қарсиллатиб ёпдилар.

Чол гандираклаганча кўллари эзиб, ўзини креслога ташлади. У бир қарашда жиндай ухлаб олиш учун ўтиргандай кўринарди, аммо боши гоҳ у, гоҳ бу ёққа жонсиз оғаётганини ҳисобга олинса, унинг мутлақо ухлаш учун ўтирмагани аён бўларди.

Грегор ҳамон ижарачилар кўриб қолган жойда ётар, ўз режаси амалга ошмаганиданми, очликданми, унинг қимирлашга мажולי йўқ эди. У бир неча лаҳзадан кейин ҳамма нарса барбод бўлишини билар ва бу даҳшатли онни кутар эди. У бутунлай қарахт эди, ҳатто онасининг титроқ кўлларида тушиб кетган скрипка товуши ҳам уни кўрқитмади.

— Қадрли она, қадрли отажон, — деди синглиси столни чертиб, — энди бунақа яшаш кетмайди. Агар буни сизлар тушунмасангиз, мен тушуманман. Манави махлуқ қошида акамнинг номини айтмайман, лекин биз ундан қутулишимиз керак. Одам қилиши мумкин бўлган ҳамма ишни қилдик: унга қарадик, уни парваришладик, унга чидадик. Менимча, бизни ҳеч ким шафқатсизликда айблай олмайди.

— У минг бора ҳақ, — деди чол оҳиста хотинига. Она бўлса, мушти билан оғзини бекитиб, қаттиқ йўтала бошлади. Унинг кўзлари



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)- якун

телбаникига ўхшарди.

Сингил онасининг ёнига бориб, кўлини унинг манглайига босди. Қизининг гапларидан кейин аниқ бир қарорга келган чол ўтирган жойида қаддини кўтарди. У стол (кечки овқатдан кейин идиш-товоклар йиғиштирилмаган эди) чеккасида ётган фуражкани ўйнар экан, гоҳ-гоҳ Грегорга қараб кўярди.

— Биз ундан қутулишимиз керак, — деди яна қиз отасига. Онаси йўтал билан бўлиб, уни эшитмасди.

— Бу махлуқ иккаловингизни ҳам хароб қилади, мана кўрасизлар, — деб давом этди қиз. — Бошимизга тушган қора меҳнат етмаганидай, уйдаги бу азобга бало борми! Йўқ, мен бунга ортиқ чидолмайман!

Синглиси йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари онасининг юзига томгач, қиз беихтиёр унинг юзини арта бошлади.

— Жигарим, болагинам, — деди кутилмаганда меҳрибонлик билан отаси, — нима қилайлик, ахир, нима?

Қиз йиғлагани учунми аввалги қатъийлиги йўқолиб, елкасини қисди, холос.

— Лоақал у бизни тушунсайди, — деди отаси савол оҳангида.

Яна йиғига тушган қиз «Бунинг иложи йўқ», дегандай кескин қўл силтади.

— Агар у бизни тушунса эди, — деди чол ва қизи айтгандай, бунинг иложи йўқлигини эслаб, кўзларини юмди, — тушунса эди, балки у билан келишиб олиш мумкин бўлармиди,

лекин бунақада...

— Йўқолсин бу ердан! — деб қичқирди синглиси, — ягона нажот шу, ота. Сен бу махлуқ — Грегор деган фикрдан қутулмоғинг керак. Бизнинг узоқ вақт бебахт кун кечирганимизга ўша фикр сабабчи. Қаранглр, шу Грегорми? Агар Грегор, бўлганда, одамлар бунақа махлуқ билан яшай олмаслигини аллақачон тушуниб, ўзи кетган бўларди. Ўшанда биз яқинимиздан жудо бўлсак ҳам, унинг хотирасини муқаддас тутган бўлардик-ку. Бу махлуқ эса доим бизни таъқиб қилади, ижарачиларни ҳайдайди, бутун уйни ўзига олмоқчи, бизни ҳам кўчага чиқариб ташламоқчи. Ана, ота, қарагин, у яна ўз билганини қиляпти!

Синглиси Грегор тасаввур қилмаган бир даҳшатда онасини ҳам ташлаб, отаси томон югурди. Унинг ҳаракатидан қаттиқ ҳаяжонланган чол қизини ҳимоя қилгандай кўллари чўзди. Лекин бировни кўрқитиш, айниқса синглисини хафа қилиш Грегорнинг хаёлида ҳам йўқ эди. У ўз ётоғига кириш учун айланаётган эди, холос. Унинг бу ҳаракати дарров кўзга ташланди, чунки айланиш қийин бўлганидан у бошини ҳам ишга солар ва боши полга гурс-гурс уриларди. Грегор бир зум тўхтаб, атрофга боқди; унинг ёмон мақсадда эмаслигини ҳамма тушунгандай бўлди, кўрқинч йўқолди. Атрофдагилар унга ғамгин қараб ўтиришар, онаси — чарқокдан кўзларини ярим очиб стулда, сингил эса отасининг пинжиги кириб, жим ўтирардилар.

«Энди айланаверсам бўлади», деб ўйлади-Грегор ва ўз ишини давом эттирди, Бу осон иш бўлмай, Грегор тез-тез дам олишга мажбур бўлар, кучаниб вишилларди. Дарвоқе, уни ҳеч ким қистамас, ихтиёр ўзида эди. Айланиб бўлгандан кейин Грегор тўғри ўрмалаб кетди. (У хонасигача шунча масофа борлигига ҳайратланди. Бу йўлни ҳозиргина нечоғлик тез босиб ўтганлигини эслади). Тезроқ хонага киришни ўйлаганидан, атрофдагиларнинг на қичқириви, на бирор сўзини эшитди. Фақат бўсагадан ўтганда ортига қарамоқчи эди, бўйни қотиб қолганини сизди, аммо орқасида турганларни кўришга улгурди: синглисини ҳисобга олмаганда, ҳамма ўрнида ўтирар, ҳатто онаси ухлаб қолган эди.

Грегор хонага қирган заҳот кимдир эшикни қарсиллатиб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ёпди ва аввал занжирлаб, кейин қалит билан ҳам қулфлаб кўйди. Эшик қарсиллаганда кўркувдан Грегорнинг оёқчалари букилиб кетди. Эшикни синглиси ёпган эди. У аллақачон ўзига келиб, Грегор бўсагадан ўтган заҳотиёқ «Ниҳоят-а!» дея хитоб қилиб, эшикни шошилишч бекитган эди.

«Бу ёғи нима бўлади энди?» деб савол берди Грегор ўзига ва зулматга тикилиб, жим қолди. Бир оздан кейин у ўзининг қимирлай олмаслигини билди. Аммо таажжубланмади, аксинча, бу ожиз оёқлари уни ҳозиргача қандай кўтариб юрганига ҳайратланарди. Грегор бутун вужудида оғриқ сезди. Лекин оғриқ тобора сусайиб, бир оздан сўнг бутунлай тўхтагандай туюлди. Елкасида чириб кетган олма атрофидаги яра қаттиқ яллиғланганини у деярли сезмасди. Грегор «Мен йўқ бўлишим керак» деб ўйлар ва бу қарор синглиси чиқарган ҳукмдан ҳам қатъий эди. Грегор шаҳар минорасидаги соат тунги учга занг ургунга қадар ўша ҳолатда — соф ва осойиш ҳаёллар кўйнида ётди. Кейин унинг боши ўзидан-ўзи полга «шилқ» этиб тушди ва Грегор сўнгги марта заиф нафас олди. Эрталаб хизматкор хотин келди. Ундан қанча илтимос қилишса-да, ҳар куни тонгда эшикни қаттиқ тақиллатиб кирар ва ҳаммани уйғотиб юборар эди. У одати бўйича Грегорнинг хонасига бош суқиб, бирор ўзгаришни сезмади. Полда қимирламай ётган Грегорни кўриб «найранг қиялпти», деб ўйлади. Хизматкор хотин Грегорнинг найрангга ақли етишига шубҳа қилмас эди. У қўлидаги супурги билан Грегорни қитиқламоқчи бўлди. Бу ҳам фойда бермагач, Грегорни енгилгина итариб кўрди, аммо Грегор ўрнидан кўзгалмади. Ана шунда хизматкор хотин сергакланди. Нима бўлганини тушунди ва кўзларини катта очиб, секин хуштак чалиб юборди.

У ҳаялламай, оила дам олаётган хона эшигини очди. Ҳали қоронғи хона бўсағасида туриб бор овози билан қичқирди:

— Қаранглар, у ўлиб қопти! Ҳаром ўлибди, қаранглар!

Бу овоздан чўчиб кетган жаноб Замза ва Замза хоним бирга ётадиган тўшақларида бир зум гарангсиб ўтиришди. Кейин бу қичқирқ мазмунига тушундилар. Эр-хотин қаравотининг икки томонидан шошилишч туша

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)- яқун

бршладилар. Жаноб Замза елкасига енгил кўрпани ташлаб, Замза хоним ички кўйлақда Грегорнинг хонасига кирдилар. Мехмонхона эшиги очилиб (ижарачилар келгандан бери Грета мехмонхонада ухларди), Грета пайдо бўлди. У бошдан-оёқ кийинган, гўё тун бўйи ухламагандай эди. Унинг юзидаги заъфаронлик ҳам шундан далолат берарди.

— Мана, энди, — деди жаноб Замза, — худога шукр, десак бўлади.

У чўқинди. Ёнидаги учта аёл ҳам чўқиниб кўйди. Жасаддан кўз узмай турган Грета:

— Қаранглар, унинг озиб кетганини. Кейинги, пайтларда овқат емай кўйган эди, нима берсанг ҳам емасди, — деди.

— Бир минутга бу ёққа кир, — деди кизига Замза хоним ва ғамгин кулиб, ўз ётоғига кетди. Грета жасаддан кўзини узмай, онасига эргашди. Хизматкор хотин жасад ётган хона эшигини бекитиб, мехмонхона деразаларини очди. Вақт эрта бўлса ҳам, ҳаво анча илик, чунки март ойи охирлаб қолган эди.

Ижарачилар ўз бўлмаларидан чиқиб, ҳалигача нонушта йўқлигини кўриб, таажжубландилар: уларни унутишибди-да!

Хизматкор хотин бармоғини лабига босди ва Грегорнинг хонаси томон ишора қилди.

Ижарачилар Грегорнинг ётоғига киришди ва қўлларини чўнтақларига тикиб, жасадни ўраб олишди.

Шу пайт Замза оиласи пайдо бўлди. Ота иш мундирини кийган, бир ёнида қизи, иккинчи ёнида хотини уни қўлтиқлаб олишган эди.

— Ҳозирок менинг уйимдан чиқиб кетинглар! — деди жаноб Замза ижарачиларга эшикни кўрсатиб. Чол она ва кизини кўйиб юбормай, ҳамон бирга туришарди.

— Бу билан нима демокчисиз? — деб сўради ўртадаги ижарачи ва хушомад аралаш илжайди. Қолган иккитаси қўлини орқага қилиб, кафтларини бир-бирига ишқар, ҳозир катта жанжал бошланиб, уларнинг фойдаси билан тугашини кутардилар.

— Нима деган бўлсам, шу! — деди жаноб Замза ва қизи билан хотинини қўлтиқлаб, ижарачиларга яқинлашди. Ижарачи нима дейишини билмай жим қолди.

— Нима ҳам қилардик, кетамиз, — деди у ниҳоят ва рухсат сўрагандай жаноб Замзага бокди. Жаноб Замза бунга жавобан кўзларини чақчайтириб, бошини силкитди, холос. Шундан сўнг ижарачи кескин қадамлар билан даҳлизга йўналди. Иккита оғайниси унинг орқасидан ҳаққалаганча чопишди, гўё жаноб Замза уларни ўз йўлбошчисидан ажратиб қўядигандай эди. Учаласи даҳлиздаги илгакдан шляпалари ва ҳассаларини олиб, ўгирилиб таъзим бажо келтиришиб уйдан чиқдилар. Мутлақо ўринсиз шубҳа билан жаноб Замза иккита аёлни қўлтиқлаб зина майдончасига чиқди. Кейин улар зинапоя панжарасига суянганча, секин тушиб кетаётган, айланншларда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай бораётган ижарачиларга қараб туришди: ижарачилар пастга тушган сайин, Замза оиласи уларга шунча бефарқ қарарди. Ниҳоят, зинапояда янги одам — баланд қоматини кўз-кўз қилиб, бошига сават кўйган қассоб ёрдамчиси пайдо бўлди-ю, жаноб ва хоним Замзалар бир оз енгил тортишди, уйга киришди.

Улар бугун дам олишга, сайр қилишга қарор қилдилар. Бу танаффус уларга жуда зарур ва уларнинг бунга ҳақи бор эди. Учаласи ўтириб учта тушунтириш хати ёздилар: жаноб Замза — ўз директорига, Замза хоним — бошқарувчисига, Грета — бошлиғига. Улар хат ёзаётганда хизматкор хотин ишини тугатиб, кетишга рухсат сўраб кирди. Ёзаётганлар хатдан кўз узмай «Бораверинг», деб бош иргашди, аммо бу жавобдан кейин ҳам ўрнидан жилмаган хотинга бирдан норози қарадилар:

— Нима керак яна? — деди жаноб Замза.

Хизматкор хотин гўё ажойиб хушхабар айтмоқчи-ю, ундан ҳеч ким яхшилаб сўрамаётгандай, остонада тиржайиб турарди. Унинг шляпасидаги — доим жаноб Замзанинг жиғига тегадиган — туяқуш пари тўрт томонга ликилларди.

— Хўш, нима керак сизга? — деб сўради Замза хоним. Хизматкор хотин унга бошқаларга нисбатан ҳурмат билан қарарди.

— Ҳа, — деди қулгидан ўзини зўрға тутиб хизматкор хотин, — анави махлуқни йиғиштириш ҳақида ташвишланманглар, ҳаммаси жойида.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Жаноб Замза ва Грета ундан юз ўгириб, гўё ёзишни давом эттиргандай, яна хат узра энгашилди. Хизматкор хотиннинг воқеани батафсил айтишга шайланганини кўргач, жаноб Замза кўлини кескин силтаб, рад қилди. Гап берилмаганидан хафа бўлган бева бирдан шошилаётгани эсига тушиб, «Хуш қолинглар!» деди-да, эшикларни тарақлатганча уйдан чиқди.

— Кечқурун уни бўшатиб юборамиз, — деди жаноб Замза. Унга ҳеч ким — на қизи, на хотини — жавоб бермади. Чунки боягина эришилган фароғатни хизматкор хотин чилпарчин қилган эди. Она ва қиз кучоқлашиб дераза ёнига келдилар. Жаноб Замза ўтирган жойида улар томон бурилди ва узоқ тикилиб қолди.

— Бу ёққа келсаларинг-чи! Унутинглар ўша ўтмишни! Мениям озгина ўйланглар, ахир! — дея хитоб қилди у бирдан.

Она-бола чол ёнига итоаткорона келдилар, уни юпатиб, эркаладилар. Кейин чала қолган хатни тезда тугатишди. Сўнгра учовлон уйдан чиқиб, трамвайда шаҳар четига сайрга жўнадилар. Улар тушган вагон илиқ офтоб нурига тўла эди. Учаласи шинам курсиларга жойлашиб, эртанинг режасини туза бошладилар: умуман олганда, улар танлаган иш шунчалик ёмон эмас, буни бир-бирига шу кунгача айтмаган бўлсалар ҳам, энди ҳар бирининг иши ўзига яраша имтиёзли, деган хулосага келишди. Тўғри, аҳволни тез яхшилаш учун дастлаб, квартирани алмаштириш керак. Уларга кичикроқ, арзонроқ, яъни Грегор топган уйдан шинамроқ квартирани ижарага олиш зарур. Шу қарорга келиб, жаноб Замза ва унинг хотини тобора авж билан сўзлаётган қизига қарашди-ю, иккалови ҳам бир нарсани ўйлади: кечган изтироблардан юзи синикқан бўлса ҳам, Грета сўнги кунларда ҳақиқий жононга айланди. Ота-она беихтиёр кўз уриштириб, қизига лойиқ куёв ахтариш пайти ҳам келганлигини ўйлай бошлади. Манзилга етганда, Грета ота-онасининг ширин хаёлларини маъқуллагандай, биринчи бўлиб ўрнидан турди ва навқирон коматини ростлади.

Русчадан Мухаммад Солиҳ таржимаси.

“Шарқ юлдузи” журнали, 1983 йил, 8-сон.

Манба: ziyouz.uz

Т а л а б а л и к йилларимнинг сершовқин ҳамроҳи, терлаган бўйнига сочиқ ташлаган хорғин ҳайдовчи бошқарган трамвай бугун Тошкент чинорлари каби йўқликка равона бўлмоқда.

Эҳ трамвай, трамвай. Сен соат олти бўлмасдан Шота Руставели кўчасидан шовқин солиб



Алвидо трамвай

ўтганинда ўша кўчада истикомат қилган бир мулозимнинг уйқусини бузган эдинг.

Бугун мамлакат раҳбарига айланган ўша мулозим сендан қасос олаётганлигини биласанми?

Фақат сен хафа бўлма трамвай.

Бу диктатордан жабр кўрган биргина сен эмассан.

Бу мулозим бир вақтлар чинор тагидан ўтиб кетаётиб нафаси қисилган эди.

Иқтидорга келгач у мангу яшиллик тимсоли бўлган чинорларни кестириб ўчини олди.

Бу одам табиатан кўрқок эди, у кремль мулозимларига хушомад қилишга маҳкум бўлиб турган пайтда шоирлар қаддини тик тутиб кўркмасдан сўз айтишар эди.

У бу манзарани «нега мен улар каби ботир эмасман» деган кин ва нафрат билан кузатди.

У иқтидорга келиши биланок шоиру ёзувчилар армиясини тормор қилишга киришди. Уларни хорзор қилди. Тахқирлади, ўлдирди мамлакатдан қувди.

Сенга таскин бериш учун айтаётган бу гапларни трамвай.

Албатта трамвайжон ўз умрининг кузини яшаётган бу диктатор кўзига фақат ўзининг саҳардаги шовқининг билангина ёмон кўринмадинг.

2001 йил охирида Тошкент талаби билан Прагада хибсага олинган муҳолифат лидери Мухаммад Солихнинг қамоқдан озод бўлиб Чехиянинг хурриятчи президенти Хавел билан ёнма ён қаҳва ичиб ўтириши диктатор кўқсини қасосга тўлдирган эди.

Ўша пайтда Чехияда ишлаб чиқарилган трамвайларни Тошкент учун сотиб олиш бўйича шартнома имзоланган эди.

Диктатор бу шартномани йиртиб ташлаб «Душманини сийлаган» Чехиядан ва унинг эрксевар лидери

Хавелдан ўч олди.

Ўша трамвайлар Тошкентга бормаганидан хурсанд ҳам бўлгандир, зотан агар улар Тошкентга борганида бугун кераксиз темир уюмига айланар эди.

Эҳ Тошкент трамвайлари. Арқон билан тортиб шохини симга теккизганда ҳаяжонланганидан ўт бўлиб чакнайдиган трамвайлар.

Сен дунёдаги энг демократик кўлик эдинг. Ҳаддимиз сиғиб орқангдаги нарвонга осилардик.

Эсингдами куз пайтида ҳамма пахтага кетиб шаҳар хувиллаб қолгани.

Ўшанда Жиззахга кетаётган автобуслар ортидан «Мен ҳам далага бориб пахта терсам» деган каби мўлтираб қолардинг.

Темир изларга мангу боғлик эдинг сен, бугун эса темир ирода сени кераксиз темир уюмига айлантормоқда.

Хафа бўлма трамвай. Сени қайта эритиб нимадир ясашади албатта.

Балки сени йўқ қилган диктатор қабрига темир панжара бўларсан, балки сени йўқ қилиш учун қарор чиқарган мулозимлар ўтирган қамоқда темир тўшак бўларсан.

У ёғини билмайман.

Айтадиганим шу, мен сендан розиман трамвай!

Ҳаққингни ҳалол қил.

Баъзан билетсиз сайр қилган бўлсам бағишла мени.

Алвидо трамвай!!!

28 март 2016 йил Прага

Тошкентдаги 11 трамвайнинг беш йиллик йўлчиси Шухрат Бобожон

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов